

Толаметова Зилола Абдижапаровна,
Ўзбекистон миллий университети
доценти, иқтисод фанлари номзоди;
Элмонов Бекмурод Эрмат ўғли,
Ўзбекистон миллий университети ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТОЛАМЕТОВА З.А., ЭЛМОНОВ Б.Э.-Ў. ИННОВАЦИОН БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида самарали бандликни таъминлашнинг йўналишлари ёритиб берилган. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион технологиялар жорий этилишини иқтисодиёт тармоқларидаги бандликка таъсири ўрганилган ҳолда, самарали бандликни таъминлаш бўйича тавсия ва таклифлар берилган.

Таянч иборалар: инновацион иқтисодиёт, инновацион ишлаб чиқариш индекси, самарали бандлик, модернизация, диверсификация.

ТОЛАМЕТОВА З.А., ЭЛМОНОВ Б.Э. ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЗАНЯТОСТИ

В статье изложены тенденции обеспечения продуктивной занятости в контексте развития инновационной экономики в Узбекистане. При изучении влияния инновационных технологий на занятость в секторах экономики в условиях инновационной экономики были даны рекомендации по эффективной занятости.

Ключевые слова: инновационная экономика, индекс инновационного развития, эффективная занятость, модернизация, диверсификация.

TOLAMETOVA Z.A., ELMONOV B.E.. INNOVATIVE WAYS OF ENSURING EMPLOYMENT

There is discussed in the article trends in the provision of productive employment in the context of the development of an innovative economy in Uzbekistan. Studying the impact of innovative technologies on employment in sectors of the economy in an innovative economy, recommendations on effective employment achievement were provided.

Keywords: innovative economy, innovation and industry, effective employment, modernization, diversification.

Кириш.**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.**

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш жараёнига инновациялар, замонавий ахборот технологияларни жорий этиш меҳнатни ташкил этиш, иқтисодийetni янги билимга йўналтирилган тармоқларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Иқтисодийetni инновацион секторининг шаклланиши ва ривожланиши инновацион меҳнат турларининг пайдо бўлиши, инновацион бандликнинг келиб чиқиши, ижтимоий меҳнат муносабатларида инновацион ривожланиб боришига заруратни юзага келтиради. Бу эса кадрлардан ўз қобилиятлари, малакаларини ошириб бориш, ташаббускорлик ва янги ғояларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Зероки, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир.¹

Тадқиқотнинг мақсади. Инновацион иқтисодийetni шакллантириш шароитида аҳоли бандлигини ошириш, инновацион бандликни таъминлашнинг истиқболли йўналишларига қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий моҳияти. Ўзбекистонда миллий иқтисодийetni модернизациялаш ва диверсификациялаш инновацион жараёнлари билан беvosита боғлиқдир. Инновация – янгилик киритиш, уларни турли соҳа, тармоқларда қўллашдир.

Мамлакатни жадал инновацион ривожлантириш учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларига илмий-амалий тадқиқотлар натижалари ва ноу-хау ишланмаларни кенг жорий этиш, шунингдек илмий муассасалар ва реал иқтисодийetni тармоқлари корхоналари ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш зарур.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалга ошириш, уларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарали бандликни таъминлайди.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш,

илғор ва илмий ҳажмдор технологияларда меҳнат қила оладиган кадрларни кўпайтириш лозим.

Инновацион иқтисодийetni шакллантириш инсон капиталига боғлиқ бўлиб, инсон капиталига қилинган сарф харажатлар самарали бандликни юзага келтиради.

Самарали бандлик – ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муносиб даромад, саломатлик, таълим ва касбий даражасини оширишни таъминлайдиган бандликдир. Меҳнатда банд бўлганларнинг иқтисодийetni соҳа ва тармоқлари бўйича тўғри тақсимланиши самарали бандликни келтириб чиқаради.

Ҳар бир мамлакатда инновацион иқтисодийetni шакллантириш кадрлар салоҳияти, сифатини узлуксиз ошириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш, иқтисодий самарадорлик ва аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконини беради. Юқори инфорацион ва технологик ишланмаларга асосланган инновацион иқтисодийetni аҳолининг эгилувчан меҳнатда бандлигини оширади.

Бунинг учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, инновацион ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш зарурдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион иқтисодийetni ва унда меҳнатда бандлик бўйича С.Р.Александр, В.С.Аутри, Ж.Т. Голдсби, Э.Ж. Белл, С.Р.Каплан ва А.Микес, В.Роблек кабиларнинг назарий қарашлари мавжуд.

Замонавий иқтисодийetni, кўпинча билимлар иқтисодийetni ва интернет иқтисодийetni деб аталиб, «анъанавий оғир саноат»дан технологик ривожлантиришга қаратилган иқтисодий тизимга эга эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир (С.Р.Александр, 1983).²

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда индукция, дедукция, миқдорий ва сифатий таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

Асосий натижалар. Замонавий иқтисодийetniда глобал рақобатнинг юзага келишига интернет тизимида ишловчи компанияларнинг фаолияти таъсир кўрсатди. Инновацион иқтисодийetni шароитида макроиқтисодий ўзгаришлар тадбиркорлик муҳитига турлича таъсир кўрсатгани ҳолда бозорда турли ўзгаришларни юзага келтирди. Бу эса тадбиркорларни технологик инновациялар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

² С. Р. Alexander. The new economy. Time 1983, May, 30: 62-70.

1-жадвал. Инновацион иқтисодиётга ўтиш давридаги ўзгаришлар¹.

Анъанавий иқтисодиёт	Замонавий иқтисодиёт	Инновацион иқтисодиёт
Унумдорлик	Рентабиллик	Инновацион янгилик борлиги
Миқдор	Сифат	Ижодкорлик
Ишлаб чиқаришнинг ресурсларга боғлиқлиги	Коммуникацион боғлиқлик	Коммуникация, барқарор ресурс ривожланиши
Узоқ муддатли бизнесни ривожлантириш, кичик ўзгариш ва ишлаб чиқаришни бир жойда операцион ташкил этиш	Қисқа муддатли бизнесни режалаштириш, ўзгаришларнинг жадаллиги, ишлаб чиқаришни операцион ва стратегик ташкил этиш	Доимий ўзгаришларга бизнесни мослаштириш
Ишчи кучи малакасини ошириш ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилган	Персонални бозор ҳолатига ва ташкилий маданиятга мослаштириш	Интуиция ва қобилиятларни ривожлантириш
Рақобатбардошлик операцион харажатларни камайтириш, солиқларни камайтириш ва меҳнат харажатларини камайтириш ҳисобига амалга оширилади	Рақобатбардошликни ривожлантиришга иқтидорли ходимлар, ишбилармонлик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга имкон берадиган, ишбилармонлик шерикликларини ривожлантиришга ва ўқитилган ходимларни ғоялар билан таъминлашга имкон берувчи муносиб ишбилармонлик муҳити	Ривожланган жамоат транспорти воситалари, ривожланган инфратузилма муҳити, шахсни ривожлантиришга имкон берувчи тезкор ва арзон веб-боғланишлар ва маданий муҳит
Худудий меҳнат бозори	Халқаро меҳнат бозори	Халқаро меҳнат бозори, виртуал бизнес ва бандлик

талабларига мос ҳолда ривожланиб боришини талаб этмоқда. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишда замонавий билимлар ва ахборот коммуникация технологиялари муҳим роль ўйнайди. Юқори информацион технологиялар ва ахборот коммуникациялардан тўғри фойдаланиш ҳар бир тадбиркорни стратегик вазифаси ҳисобланиб, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва аҳолининг самарали бандлигини таъминлайди.

XX асрнинг 1970-йилларида интернетнинг пайдо бўлиши натижасида иқтисодий ўсиш даражаси ошиб бориши кузатилиши, халқаро савдодаги ўзгаришлар, истеъмолчи хатти-ҳаракатларининг ўзгариши, янги бизнес моделларининг юзага келиши, иш жойлари очилиши ва бандлик таъминланишига қўшимча имконият яратди.

Ахборот технологиялари соҳасига киритилган инвестициялар ўсишни таъминлаб, ишсизлик

даражасини пасайтиришга ўз таъсирини кўрсатади.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш тадбиркорликнинг янги кўринишларини юзага келтиради, бу эса самарали бандликка таъсир қилади.

Инновацион иқтисодиёт билимлар иқтисодиётига асосланиб, XXI аср иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий восита ҳисобланади. Инновацион иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари интеллектуал билимга асосланади ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Инновацион иқтисодиётнинг пайдо бўлиши инновацион тадбиркорликни ривожлантириб, иқтисодиётда венчур капитали, интеллектуал мулк ҳуқуқининг (патент ва лицензия) ошиши, электрон тизимнинг ташкил этилиши тадбиркорлик фаолиятида кооперацион, яъни кластер усулида ривожланиб боришини таъминлайди (1-жадвал).

Билим ва ахборот инновацион иқтисодиётда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Инновацион

¹ Brinkley, I. (2006). Defining the knowledge economy: knowledge economy programme report. London: The Work Foundation.

2-жадвал. 2000-2018 йилларда инновацион ривожланиш индекси ва ишсизлик даражаси кўрсаткичлари¹

Йиллар	2009-2010		2018		2000		2017	
	Инновацион ривожланиш индекси	Рейтингдаг ўрни	Инновацион ривожланиш индекси	Рейтингдаг ўрни	Ишсизлик даражаси, %		Ишсизлик даражаси, %	
					аёл	эркак	аёл	эркак
Швейцария	4.82	4	67.13	1	3.1	2.3	5.1	4.6
Голландия	4.62	8	60.19	2	3.5	2.2	5.3	4.5
Швеция	4.85	2	56.94	3	5.4	5.9	6.4	7.0
Буюк Британия	4.42	14	52.37	4	4.9	6.1	4.2	4.4

иқтисодиётни ривожлантириш қуйидаги мақсадларга эришиш йўли билан амалга оширилади:

1. Бизнесда инновацияларни кўпайтириш.
2. Илмий ишлар рақобатдошлигини ошириш.
3. Халқаро бозорда инновацион маҳсулотлари улушини ошириш.
4. Иқтисодиётда АКТдан (ахборот коммуникация технологияларидан) фойдаланишни кенгайтириш.

Инновацион ривожланиш индексини ҳисоблаш методологияси бўйича ҳисобланган индекс кўрсаткичлар ва рейтинг даражалари ўрганилганда 2000-2017 йилларда таҳлил этилган мамлакатларда Инновацион ривожланиш индекслари ошиб борган.

Шу билан бирга, ишсизлик даражаси ҳам ошиб борган. Хусусан, 2000-2017 йилларда Швейцарияда аёллар ва эркакларнинг ишсизлик даражаси мос равишда 2,0% ва 2,3%га ошган. Лекин шундай бўлса-да, ўрганилган мамлакатларда инновация бўйича рейтинг даражаси ва ишсизлик даражаси ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд, яъни рейтинг даражасининг 1 бирлик ўзгариши ишсизлик даражасининг 1,1%га ўзгаришига олиб келган (2-жадвал).

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришга инновацияларнинг жорий этилиши натижасида бандликни бир тармоқдан иккинчи тармоққа қўчиб ўтиши кузатилади.

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича банд-

лик таркиби ўзгариб боради. Бунда бандлик қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларида камайиб, хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик ошиб боради. Инновацион ишлаб чиқаришнинг ошиб бориши натижасида баъзи мамлакатларда бандлик даражаси эркакларда сезиларли даражада бир тармоқдан иккинчи тармоққа ўтиши юзага келган (3-жадвал). Бу жараён ижобий саналиб, иқтисодиётнинг ривожланиши билан иқтисодиётнинг таркибий тузилишида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши ортиб борганлигини кўрсатади. Бунга мос равишда бандлик даражаси ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида ошиб бориб, бошқа тармоқларга нисбатан юқорилиги намоён бўлади.

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши жараёнида қишлоқ хўжалигида иш билан бандликнинг камайиши норасмий бандликнинг камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг бошқа тармоқларга, биринчи навбатда хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиши кузатилади, натижада норасмий бандлик ва ишсизлик даражаси кўрсаткичи пасаяди. Ҳақиқатан ҳам, тизимли ўзгаришларга қарамасдан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ўртача даромади 3 фоизга, рўйхатга олинмаганлик даражаси ўртача 2 фоизга тушиши мумкин.

Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиб бориши меҳнат бозоридаги меҳнат шароитлари яхшиланиб боришига олиб келади. Қуйидагилар меҳнатда бандликнинг асосий 3 кўрсаткичи ҳисобланади: даромаднинг етарлиги (даромад даражаси ва тенгсизлик даражаси); меҳнат бозори хавфсизлиги (ишни йўқотиш хавфи ва даромадни

¹ <https://www.adb.org/publications/asian-development-outlook-2018-how-technology-affects-jobs>

3-жадвал. 2000-2017 йилларда иқтисодий тармоқларида бандлик таркибининг ўзгариши, %да¹.

Мамлакат	Қишлоқ хўжалиги				Саноат				Хизмат кўрсатиш			
	2000 й.		2017 й.		2000 й.		2017 й.		2000 й.		2017 й.	
	A ₁ *	Э ₂ *	A	Э	A	Э	A	Э	A	Э	A	Э
Швейцария	4.0	5.5	3.0	3.9	12.4	34.9	10.1	30.0	83.6	59.6	86.9	66.1
Голландия	2.4	4.0	1.3	2.9	9.5	30.6	6.2	25.3	88.2	65.4	92.5	71.4
Швеция	1.3	3.4	1.0	2.7	11.4	36.7	6.9	28.5	87.4	59.9	92.1	68.9
Буюк Британия	0.8	2.2	0.6	1.5	12.0	36.2	7.5	27.8	87.3	61.6	91.9	70.7

¹ А - аёллар; ² Э - эркаклар.

қўллаб-қувватлаш); меҳнат шароитининг ҳолати (иш талаблари ва шартлари).

Бу 3 кўрсаткич бўйича ИХТТ мамлакатлари (OECD Organization for Economic Cooperation and Development) ичида Швейцария энг юқори даражага эга бўлиб, бу мамлакатда ўртача даромад ИХТТ мамлакатлари бўйича энг юқори кўрсаткичларига эга, даромадларнинг нотекислиги нисбатан паст даражадир. Меҳнатда банд бўлганлар ИХТТ мамлакатларига нисбатан меҳнат шароитларини, яъни ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилганлиги, ўқитиш имкониятлари ва ижобий меҳнат муносабатлари қулайлиги билан ажралиб туради.

Инновацион иқтисодийнинг шаклланиши жараёнида одатдаги тўқув машиналари ва дастгоҳлар воситасида ишлаб чиқаришдан электрлаштирилган тизимга, ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш, автоматлаштиришга ўтиши иқтисодий ривожланишни оширишга олиб келади. Саноат инқилобининг биринчи босқичида буғ двигателининг ихтиро этилиши ишлаб чиқаришда технологик унумдорликни бир неча баробар оширган (1-расм).

Ишлаб чиқариш тарихига назар соладиган бўлсак, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш меҳнат сиғимкорлигини пасайтирган. Шундай бўлса-да, ишлаб чиқаришда янги йўналишдаги иш, лавозим, касб турлари шаклланиши натижа-сида иш жойлари кўпайган. Бундан ташқари, ҳамма технологиялар ҳам инсон ўрнини боса олмайди. Шундай бўлса-да, саноатнинг 4-инқилобида роботлар, компьютер технологияси имкониятларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш жараёнида юқори малакали, интеллектуал салоҳиятли кадрларни талаб этади. Янги технологияларнинг кириб келишини банд-


ликка таъсирини Д.Аутрай, Ф.Левй, Р.Мурнани, Д.Аутор, П.Рестрепо каби олимлар ўзларининг илмий ишларида ўрганган. Жумладан, Д.Аутор ва А.Саломонснинг «Автоматлаштириш меҳнат улушиними, ишчи ўрнини эгаллайдими? Унумдорликнинг ўсиши, бандлик ва меҳнат улуши» деб номланган илмий ишида технологияларнинг бандликка таъсирини аниқлашда меҳнат қўл меҳнати, ақлий меҳнат талаб этиши ва ишнинг узлуксиз эканлигига кўра фарқланган. Масалан, машина-созлик саноати бунга яққол мисол бўла олади. Лекин шундай касблар мавжудки, яъни операторлар ва АТ мутахассислари ўринларини техника бутунлай боса олмайди. Шундай бўлса-да, 4-саноат инқилобидаги технологик ўзгаришлар буни ҳам эгаллаши бўйича алгоритмни шакллантирмоқда, қуйидагилар шулар жумласидандир:

- Сунъий интеллект (AI) - инсонлардек муаммолар устида ишлайди, вазифаларни бажаради, меҳнатда банд бўлади. Хусусан, компьютерда ишлаш, дастурлашни ўргатишнинг ташкил этилиши.

- Квант компьютерларининг яратилиши, яъни ахборотларни янада кенг таҳлил этиб, янги турдаги алгоритмларни ишга туширадиган машиналар. Натижада, янги турдаги материаллар ва доридармонларни кашф қилиш, мураккаб синтетик тизимларни оптималлаштириш вариантларини ишлаб чиқиши мумкин.

- Блокчейн (Blockchain) технологияси, фақатгина молиявий операцияларни эмас, балки деярли барча турдаги иқтисодий операцияларни виртуал амалга оширувчи дастурларнинг юзага келиши. Ушбу турдаги технология Bitcoin ва Ethereum каби криптовалюта операцияларини амалга оширишда қўлланади. Натижада, ишлаб чиқариш жараёни анъанавий ишлаб чиқаришга қараганда камроқ материаллар билан мураккаб операцияларни амалга ошириш имконини беради. Бироқ, автоматлаштириш тармоқ ичида ва

¹ <https://www.adb.org/publications/asian-development-outlook-2018-how-technology-affects-jobs>

1-расм. Саноат инқилобининг босқичлари¹.

тармоқлараро меҳнатда бандликка таъсир кўрсатади. Натижада тармоқ ичида ва тармоқлараро меҳнатга талаб қуйидаги омиллар асосида ўзгаради:

1. Иш ўринларининг қисқаришига таъсири. Роботлар ва компьютерлар мунтазам бажариладиган ишлар, вазифаларни амалга оширувчи ишчилар ўрнини эгаллаши мумкин. Бу эса шу турдаги иш ўринларига бўлган меҳнат бозоридаги талабни қисқартиради. Мисол учун, саноат омборида жавондаги маҳсулотларни излаш, олиш, жойлаштириш билан шуғулланувчи ишчи ўрнини «Кива» тизимига эга роботлар эгаллаши мумкин. Лекин бу роботлар фақат инсон бажарадиган вазифаларни амалга оширади.

2. Унумдорликка таъсири. Автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини оширади ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, натижада товарлар ва хизматлар нархининг пасайиши ва талабнинг ошишига олиб келади. Саноатда роботлардан ишлаб чиқариш тармоқларида янада мураккаб ва кенг қамровли вазифаларни амалга оширишда фойдаланилади, масалан, автомобиль ишлаб чиқаришда фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши, таннархнинг тушишига олиб келади, автомобилларга бўлган талаб эса ошади.

3. Қайта тиклашга таъсири. Автоматлашув янги меҳнат функцияларини бажариш ва янги иш жойларини яратиш, меҳнатга бўлган талабни ошириш

имконини беради. Янги иш тоифалари, масалан сунъий интеллект ишлаб чиқаришга киритилганда унинг дастурий таъминотини ўзгартиришга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин. Натижада, ишлаб чиқариш роботининг янада мураккаб дастурий таъминот устида ишлашнинг талаб этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида саноат соҳасида янги технологияларни жорий қилиш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бошқа соҳаларда иш ўринларига бўлган талабга тўғри таъсир кўрсатади. Яъни:

1. Бир-биридан фарқли ўлароқ, битта саноат тармоғида янги технологияни қўллаш орқали, камида учта йўналишда бошқа ишлаб чиқаришларни ижобий томонга ўзгартиради. Биринчи йўналишда, қуйи саноат корхоналари арзон ва/ёки сифатли маҳсулот, технологиялардан фойдаланиши юқори саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ишлаб чиқариш ҳажми ошишига олиб келади. Иккинчи йўналишда, бошқа тармоқлар янги технологияларни қўллашнинг афзалликлари бўйича тажрибага эга бўлади. Учинчи йўналишда, янги билим ва кўникмага эга бўлган ходимлар саноат тармоқлари ўртасидаги технологик ноу-хауларнинг кенгайиб боришини таъминлайди.

2. Даромаднинг ўзгаришига. Технология меҳнат ўрнини босганда ишчиларнинг юқори даромадлари маҳсулот ва хизматларга бўлган талабнинг ортиши ҳисобига бошқа соҳаларга ижобий таъсир кўрсатади. Мисол учун, автоматлаштириш орқали инсон меҳнатининг енгиллашиши ва бўш

¹ ASIAN DEVELOPMENT OUTLOOK 2018. HOW TECHNOLOGY AFFECTS JOBS

вақтининг ортиши хизматларга бўлган талабни ортишига таъсир этади. Шунингдек, замонавий технологияда меҳнат қилаётган ходимларнинг даромадлари ошиб боради. Натижада унинг истеъмол талаби ҳам ошади.

Шу билан биргаликда меҳнатга бўлган талабнинг ўзгаришига таъсир этувчи қуйидаги омиллар ҳам мавжуд:

1. Меҳнат ва технология ўртасидаги комплементарлик. Ишчилар автоматлаштирилган меҳнат фаолияти билан банд бўлишса, бундай ишчиларга бўлган талаб ва иш ҳақи миқдори ошади. Агар ишчилар фақат машиналар томонидан бажарилиши мумкин бўлган вазифаларни бажараётган бўлса, уларнинг ўрни техника билан тўлдирилиши мумкин. Бу эса янги технологиянинг кириб келиши натижасида меҳнатга бўлган талабнинг ўзгаришини юзага келтиради.

2. Меҳнатни таъминлашнинг мослашувчанлиги. Агар дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиси томонидан тақдим этилган дастурларга бўлган талаб кучайса ҳам, малакали ишчилар етарли даражада таъминланмагунча, бандликда сезиларли ўзгариш юзага келмайди. Дастурий таъминотни ишлаб чиқарувчи мутахассислар ва тадқиқотчиларининг иш ҳақи ортиши меҳнат таклифини оширади ва рағбатлантиради. Бироқ, юқори малакали ишчи кучига бўлган талабнинг эгилувчанлиги - дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиси сифатидаги ходимларнинг кўплиги иш ҳақини камайишига олиб келиши мумкин.

3. Кадрлар малакасини ошириш. Автоматлаштириш ва иқтисодийда яратилган янги турдаги инновацион технологиялардан фойдаланиш юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган кадрларга талабни оширади. Ишчи кучининг қобилиятлари ва технологиялар ўртасидаги номутаносиблик меҳнатда бандлик ва иш ҳақининг ўзгаришини секинлаштириб, меҳнат унумдорлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Инновацион иқтисодий шакллантириш иқтисодий ривожланиш ва бандликнинг тармоқлараро ҳаракати тармоқ соҳаларига киритилган инвестицияларга тўғри боғлиқликка эга. Бундан ташқари, инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келиши тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистонда ҳам шу мақсадда иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий сек-

торни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, иқтисодий модернизація ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали самарали бандлик, юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш каби мақсад ва вазифалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда 2017 йилда 975 та корхона ва ташкилот томонидан 1946 турдаги технологик инновация жорий этилди. Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 61,6 фоизи (1198 таси) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Республика бўйича 2017 йилда ҳар бир инновацион фаол ташкилот ўртача 2 тадан инновация жорий қилди. Жумладан, ҳар бир инновацион фаол ташкилотга Андижон, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ўртача 3 тадан инновация, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўртача 2 тадан инновация, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ўртача биттадан инновация жорий қилинган¹.

Хулоса ва таклифлар. Инновацион иқтисодий шакллантириш жараёнида Ўзбекистонда инновацион бандликни таъминлашда қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– илғор ва илмий ҳажмдор технологияларда меҳнат қила оладиган кадрларни кўпайтириш;

– инновацион технологиялар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш билан бир қаторда янги иш ўринларини яратишга имкон беради, меҳнат унумдорлиги ошади, янги турдаги даромад манбаларини келтириб чиқаради. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини автоматлаштиришда инновацион технологияларни кенг жалб этиш зарур;

– инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида аҳоли бандлигини таъминлашда бандлик салмоғини ошириш мақсадида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларини янада кенгайтириш;

– инновацион иқтисодий шакллантиришнинг босқичли дастурларини ишлаб чиқиш. Бу жараёнда аҳоли бандлигининг тармоқлар кесимидаги мутаносиблигини таъминлаш орқали рақобатбардошликни ошириш;

– инновацион ишлаб чиқариш индекси кўрсаткичларини амалиётга кенг жорий этиш. Кадрлар малакасини оширишда автоматлаштириш ва

¹ www.stat.uz

иқтисодиётда яратилган янги турдаги вазифалардан фойдаланиш учун кадрлар малакаси технологик талабларга мос келишига алоҳида аҳамият бериш, бунинг учун инсон салоҳияти ва технологиялар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур;

– кичик венчур бизнеси субъекти ходимларини инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, венчур бизнесини ривожлантиришнинг асоси бўлган инсон капиталига инвестицияларни кўпайтириш, юқори малакали венчур менежерларини тайёрлаш, ихтиролар, инновациялар, ноу-хаулар яра-

тишга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятли кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш;

– юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, бу тармоқларда пайдо бўлаётган янги касб турларига кадрлар мослашувчанлигини ошириш;

– виртуал бандликни кенгайтириш, инновацион иш турларини ривожлантириш, масофавий бандлик, ўз-ўзини иш билан таъминлаш шакллари янада кўпайтириш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Roblek V. «Impact of knowledge management on sustainable development in the innovative economy». Business Systems Laboratory - 2nd International Symposium «SYSTEMS THINKING FOR A SUSTAINABLE ECONOMY. Advancements in Economic and Managerial Theory and Practice» January 23-24, 2014.
2. Brinkley I. (2006). Defining the knowledge economy: knowledge economy programme report. London: The Work Foundation.
3. Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. – М.: МГУ, 1996..
4. ASIAN DEVELOPMENT OUTLOOK 2018. HOW TECHNOLOGY AFFECTS JOBS
5. Nirajan Mani. A Case Study on Estimating Labor Productivity Frontier. 52 nd ASC Annual International Conference Proceedings, 2016.